

ХУЖУҚИЙ САҲИРА

Фуқаролар манфаатини кўзлаб

МЕҲНАТ БИРЖАЛАРИГА ИШОНЧ КАТТА!

Чилонзор тумани Тошкент шаҳрининг аҳоли зич жойлашган туманларидан бири бўлиб, 219 минг аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларни иш ўринлари билан таъминлаш ва моддий томондан қўллаб-қувватлаш борасида Меҳнат Биржаларининг роли муҳимдир.

Давлатимиз томонидан қўрсатилаётган бу гамхўрликлар ўз навбатида меҳнат биржалари жамоалари зиммасига ҳам катта бир маъсуляти юклайди.

Меҳнат биржасига мурожаат этганлар сони, дейди туман меҳнат биржаси раҳбари муовини Хулқар опа Ҳожиаббарова, 1 ярим йилликда 794 фуқарони ташкил этди. Шундан 618 киши яри йиллик давомида иш билан таъминланди. Қайта ўқитишга ушбу ой давомида 18 та, йил бошидан бери 86 та фуқаро йўланди.

—Мустақиллик шарофати билан меҳнат биржаларининг иш фаолияти кўлами кенгайди, айниқса биржамизнинг ҳозирги давр нуқтаси назаридан келиб чиқиб иш юритиши, фармон ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш борасида анчагина амалий ишларни олиб бормоқда ва мустақил юртимиз равақини оширишда оз бўлсада ўз улушини қўшиб келмоқда.

Бизнинг туманимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбаси томонидан йил давомида 142 шахсга ишсизлик нафақаси тайинланди ва 243560,19 сўм миқдоридagi пул йил давомида тўланди.

—Иш ўринларини ташкил қилиш ва ишсизларни иш билан таъминлаш қай йўсинда амалга оширилмоқда?

Бизларга корхона, ташкилот ва муассасалар бўш иш ўринлари, лозим бўлган мутахассисликлар бўйича маълумот берадилар. Бундан ташқари 1998 йил учун маҳсулус иш жойлари туман ҳокимининг фармойишига қўра қўйидаги корхона ва ташкилотларда ташкил этилди.

Роз – Трайденг ЛТД – Бу ерда чет эллик ишбилармонлар бизнинг фуқароларимиз билан биргаликда ҳамкорлик қилмоқдалар. Ахир бу қанчадан қанча янги иш ўринлари, юқори иш ҳақи деган гап. Албатта, бу ўзгариш мустақиллигимиз шарафатидир.

Кейингиси Отчаро буюм бозори, «Наврў» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика Олимпиа резервари билим орти ва бошқалар. Жами 83 та иш жойи барпо этилди. Ҳозирда туманимизда жами бўлиб 2426 бўш иш ўринлари ва вақан лавозимларини тўғрисидаги маълумотларнинг тўғри берилиши 39 та корхонада ўрганиб чиқилди ва йил бошидан шу кунга қадар 2995 та янги иш жойлари ташкил этилди.

Хозир қайси гўшага борманг савдо пештахталари турли товарлар билан тўлиб-тошганлигига кўзингиз тушади. Ҳа, буларнинг бари бозор иқтисодиёти таъсири албатта. Ахир яқин-яқингача сотувчилар пашша қўриб ўтиришар, устига устак моллари камчил эди. Энди бўлса тadbиркору ишбилармонлар савдо расталарни узоғу яқиндан келтирган моллар билан тўлдириб юборишган.

Афсуски гуручда курмак бўлганидек улар орасида нафси ҳақалак отган, савдо қонун қоидаларига зид иш олиб бораётганлар ҳам учраб турибди. Чунинчи биргина ўтган 5 ой мобайнида Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси савдо ва хизмат кўрсатиши корхоналарини назорат қилиш бўлими ва унинг қўйи тизими бўлималари томонидан уларнинг фаолияти текширилганда 1182 ҳолатда ҳар хил қоидабузарлик аниқланди. 76 ҳолатда 3794,0 минг сўм нақд пул маблағни ноқонуний сарфлаш, вақтида банкга топширилмаган ҳоллари учради. 870,9 минг сўмлик тармаки, 539,8 минг сўмлик спиритли ичимлик аксиз марказиз сотилаётгани учун сотувдан олинди. 366 ҳолатда назорат кассаси машинаси билан ишлаш тартиби бузилган. Қонуний бузган 1268 нафар шахс жавобгарликка тортилди. 794 нафар шахсга эса 2088,7 минг сўм маъмурий


жарима қўлланилди... Вилоят давлат солиқ бошқармаси «Ишонч телефони»га тушган шикоят бўйича Навоий вилоят халқ таълими таъминот қорхонаси ошкор мудир Томди туман халқ таълими бўлимига берилган товарлардан 16684 сўмлик товарни олиб қолгани аниқланди. Корхона ошқор тафтиш қилинганда 104,503 сўмлик ортиқча ва 7998 сўмлик камомад борлиги маълум бўлди...

Масъулияти чекланган «Горизонт» жамияти ҳам 7014 сўм савдо тушумини банкга топширмай бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборган. Жамият бошлиғи ва бош ҳисобчига 7500 сўм жарима солинди. Нурота туман «Нуробод» савдо ва хизмат кўрсатиши аҳоли ва деҳқон-фермер хўжалиқларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва қайта ишлаш учун давлатдан олинган имтиёзли кредит маблағларини бошқа мақсадларга ишлатган, келтирилган товар моддий бойликлари айрибошлаш йўли билан талон-тарож этилган.

Зарафшон шаҳридаги «Ниссо» қўшма корхонаси савдо дўкониди 92 дона (20,2 минг сўмлик) спиритли ичимлик аксиз маркали маҳсулотларини ҳам маълум бўлди. Қизилтепа савдо ҳиссдорлик жамиятига қарашли 37-дўкон сотувчиси Болта Бобомуродов пихини ёрганлардан экан. У харидор ҳақида 225 сўм

жиёнат қилгани етмаганидек назорат касса машинасини ишлашдан савдо қилаётганида қўлга тушди. Навоий тумани Зарафшон жамоа хўжалиги ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ошқор таъминотчиси Мулло Абдуллаев ўз хонадонини дизель ёқилғиси со-

на текширув чоғида харидорнинг 93 сўму 50 тиён ҳақини уриб қолганини қандай изохлаш мумкин. Зарафшон шаҳрида яққа меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро Турсун Ортоқовнинг юрагида балли! Дўкони текширилганда 29,025 сўмлик оксиз маркаси йўқ спиритли ва тамаки маҳсулотлари савдога қўйилган экан. Фуқаро А.Шаропов ҳам тап тортмайдиганлар хилдан чиқди. Аксиз маркаси бўлмаган 15529 сўмлик спиритли ва тамаки маҳсулотлари сотаётгани аниқланди.



Суратда: вилоят Давлат солиқ бошқармаси савдо ва хизмат кўрсатиши корхоналарини назорат қилиш бўлими бошлиғи, III даражали Давлат солиқ хизмати маслаҳатчиси Эргаш ТУРАЕВ.

тадиган жойга айлантирган. Мушугини пишт дейишмагани учун у бемалол фуқаро Ойбек Азизовга 20 литр дизель ёқилғисини 250 сўмга сотармиди? Ошқор мудир Исрол Шомуродов моддий жавобгарликдаги мавжуд ёқилғи маҳсулотлари ўлчов нозоратдан ўтказилганда АИ-72 бензинидан 42 литр, дизель ёқилғисидан 371 литр жаъми 5969 сўмлик камомад борлиги аён бўл-

ти сотувчиси Жаҳонгир Қўлдошев ҳам харидор ҳақидан қўрқмайдиганлар хилдан экан. Бўлмаса у текширув чоғида харидорнинг 300 сўм ҳақини чўнтакка урадики? Навоий шаҳридаги «Тоғчи» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси 28-дўкон сотувчиси Татьяна Гришина кашфиётчи экан. У ўсимлик мойини кам ўлчаш (яъни камроқ бериш) билан кўп пул ишлаш йўлига ўтиб олибди. Бўлма-

Албатта юқориди келтирилган барча далиллар бўйича тегишли чоралар кўрилди. Ноқонуний йўл тутганларнинг қинғир йўли беркирилди. Вилоят солиқ хизмати ходимлари олдиди ҳали ишлар кўп. Буни улар яхши ҳис этмоқдалар.

Н.ЖУЛИБЕКОВ,
Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи,
Ҳ.СУЛАЙМОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТУНДА ҚОП ЕЛКАПАГАН АЁЛ

Ойсапар эндигина йигирма беш баҳорни қаршилади. Лекин у бундан олти йил муқаддам биринчи бор суднинг қора курсисига ўтирди. Орадан икки йил ўтар-ўтмай яна у қонунбузарлиги учун судланди. Умрининг гуллаган даврида иккита қора тамга унинг бутун ҳаётини остин-устун қилиб юборди, гўё.

Суд залидан

Шу йилнинг баҳор кунларидан бирида «эски дарди» кўзгаган Ойсапар «тунги ов»га чиқди. Биров таниб қолмаслиги учун юзига қора ниқоб кийиб, қўлга ора пичогини олади-да, қўшини Дуэре Ажибекованинг уйда йўқлигидан фойдалана-

ЯРИМТА НОН-ХУЗУРИ ЖОН

Куйидаги далил ва рақамлар ҳеч кимни бепарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг қўйи тизими савдо ҳамда хизмат кўрсатиши соҳасини назорат қилиш бўлими ходимлари шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 1438 корхона, шахсчаларда текшириш ўтказдилар. Ундан 1168 ҳолатда турли қоидабузарликлар аниқланди. Бу 81 фоиз савдо ва хизмат кўрсатиши корхоналарида Президент Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига амал қилинмади, деган гап.

Баъзи раҳбарлар, бош ҳисобчилар ва дўкондорлар «Бетимнинг қалини-жонимнинг хузур» қабилида иш тутиб, шахсий бойлик ортиришда маъмурий, ҳатто жинорий жавобгарликдан ҳам қўрқмайдилар. Йил бошидан буён қоидабузарлар устидан тўпланган 162 ҳужжат чора кўриш учун прокуратура, ички ишлар ва суд органларига оширилди. 89 шахсга нисбатан жинорий иш қўзғатилди. 985 жавобгар фуқаро давлат солиқ инспекциялари томонидан 3144 минг сўм миқдориди жаримага тортилди.

Айримлар бундан давлат бюджетга маълум миқдорда фойда қўраётган ку, дейдилар. Тўғри, лекин бу ўйламай босилган қадамдан неча-неча диллар озор чекаятти, оилалар тинчлигига пугур етаялти-ку, ахир. Буларнинг ўрнини эса ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Халқимиз беҳудуга «Яримта нон-хузур»и жон» демаган.

ҚАРОР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Қарши шаҳридаги «Со-дик Комил» фирмаси ходимлари «Шаҳар бедарво-за» қабилида иш юротилади. Йўқса, бу ерда назорат касса машинаси ўрна-тилмаган, тайёрланаётган таомларга калкуляция тузилмаган бўлармиди? Қо-лаверса, кунлик таомнома

Солиқ тизимида нима гап?

ҳам йўқ. Энг аянчлиси, кунлик тушум пуллари исталганча ҳаражат қилинади. Текшириш ўтказилган кунда 5 минг сўм савдо пули банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланди. Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой» очик хиссдорлик жамиятидагилар эса бошқача қонунбузарчиликка кўл урдилар. Иш ҳақида олинган 20375 сўм ўйламай-нетмай хизмат сафари учун сарфланган.

Хар иқала ташкилот мунсақдилари ҳам қилмишларига яраша жазо олдилар, албатта.

БЮДЖЕТГА ЗАРАР ЕТМАСИН

Вилоятдаги бир қатор тижорат банкларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 февралдаги «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда Республика бюджетини ва маҳаллий бюджетларга тўловларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши кўздан кечирилди. Республика давлат солиқ қўмитаси режа-

ДАРОМАДНИ ЯШИРИШ «ШАРОФАТИ»

Ноумид шайтон дейдилар. Баъзи корхона, ташкилот, фирма раҳбарлари оладиган даромадларини солиқдан яшириб гўё манфаат кўрмоқчи бўладилар. Аммо, ниятлари амалга ошмай, қилмишлари ошқор бўлган қилинган ҳаражат, минг бир пушаймонлар фойда бермайди. Қарши шаҳридаги «Кар-



Оҳангарон туман ички ишлар бўлими ДАН ходимлари йўл-транспорт ҳодисалари олдини олишда вазифаларини сиқидилган ўташмоқда. Суратда: ДАН бошлиғи Толибжон Ҳатамов ходимларга топшириқ бериш пайтида. Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

ЖАРИМА УНДИРИЛДИ


Шаҳрисабз «Консерва» хиссдорлик жамиятига қарашли I-сон савдо дўкони сотувчиси Ором Васиев солиқчиларни қўриб, анчагина довдираб қолди. Чунки, пештахталарда аксиз марказиз спиритли ичимликлар териб қўйибди, бемалол савдо қилинаётган эди. 6720 сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара этилиб, О.Васиев Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 164-моддасига биноан жазоланди.

Шу туман «Деҳқон бозори»да ўтказилган текширишда яққа тартибда фаолият кўрсатаётган Содик Мухаммадиевдан аксиз марказиз бўлган 13680 сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди. У 3750 сўм маъмурий ва шунча миқдорда молиявий жаримага тортилди.

«Асака» банкнинг Қарши шаҳри бўлими 309,8 минг сўмини бюджетга ўтказмаган. Шу боис уларга 75,9 минг сўм миқдориди 0,5 фоизли бунқ, мансабдор шахсларга эса 18000 сўм маъмурий жарима ҳисобланди. «Пахта» банкнинг «Гузур» туман бўлими раҳбарлари бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағини бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйганликлари учун 15200 сўм жаримага тортилди.

Банк муассасалари аниқланган ҳатоларни тезда тузатишлари, бундан буюн эса иқтисодиётимиз ривожига салбий таъсир этувчи камчиликларга йўл қўймаглик чораларини кўришлари зарур.

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти.



Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради.

Маълумки рентген нурлари инсон соғлиги учун зарарли ҳисобланади. Ана шу рентген кабинетига ўн бир йилдан буён техник хизматчи бўлиб ишлайман. Пенсияга чиқишда бизга қандай имтиёзлар бор?

Х.РАСУЛОВА, Олмалик шаҳри.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-руйхатига мувофиқ имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимларнинг охириги иш жойидан қатъий назар, эркаклар – умумий иш стажига камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи 3-руйхатдаги ишларга тўғри келса, 55 ёшдан, аёлларнинг – умумий иш стажига камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили 3-руйхатдаги ишларга тўғри келса, 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Меҳнат дафтарчасининг дубликатини олиш ва унга тўланадиган ҳақ тўғрисида тушунтириш берсангиз.

О.ҚОДИРОВА, Самарқанд.

Меҳнат дафтарчаси йўқотиб қўйилганда унинг дубликатини олиш ва унга ҳақ тўлаш тартиби 1998 йил 7 январда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Ижтимоий таъминот ва Меҳнат вазирликлари тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан руйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисида йўриқнома» асосида амалга оширилади.

Бу йўриқномага асосан агар ходим ишдан бўшаганидан сўнг меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, унингдек фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса (чунки иш даврида ходимга меҳнат дафтарчаси берилмайдиган), ходим ариза билан охириги иш жойининг раҳбарига мурожаат қилиши керак. Иш берувчи ариза берилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида меҳнат дафтарчасининг дубликатини ёзиб бериши шарт. Меҳнат дафтарчасини биринчи бетини юқори қисмининг ўнг томонига дубликат деб ёзиб қўйилади.

ХАТЛАРДА ХАЁТ НАРАСИ

МУШТАРИЙ

миннатдорчилик билдиради,

ШИФОКОРЛАР-ХАЛОСКОРЛАРИМ

—Пешонамда бор экан, юрак хасталиги билан оғридим, - дейди ўз хаётида Тошкент тумани, Куксарой маҳалласининг ўзбекистон кучаси 10- уйда истикомат қилувчи Инобат Ҳукубова. - Бу миннатдорчилик билдиришга менга 40 ёшимга етармас ўзи билан бирга олиб кетишига бир баҳа қолди. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, мейри дарё шифокорларнинг саъий-ҳаракатлари билан дардан фориғ бўлдим. Мана, салкам ўн йил бўлаётган болалигимнинг бахтига соғ-омон юрибман.

Ешим 48да, етти нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим 1992 йил бевақт вафот этди... 1989 йил Тошкентдаги В.Вохидов номидаги илмий жаррохлик марказида даволанишимга тўғри келди. Тақрибан шифокор, профессор Дарвин Фуломов юрагимни операция қилди. Жаррохлик муолажаси муваффақиятли чиқди. Даволовчи врач Риза Асанов ва бошқа шифокорлар ҳам менга жуда яхши муносабатда бўлишди. Улар ўзи мейрини, кўлларида келган яхшилиги, ширин муомиласини аяшмади. Шу инсонлар мени ҳаётга қайтишимга, отасиз фарзандларимга бош-кош бўлишимга, тезда соғайиб, ўз оилам кучоғига соғ-омон қайтишимга сабабчи бўлишди. Мен улар сингари инсонларни турли дард ва хасталиклардан фориғ этишда бор куч ва билимин аяматган мейрибон шифокорларга самимий миннатдорчилигимни ихсоз этаман. Улар ҳам биз каби бемор ва хасталарнинг бахтига доим соғ бўлишсин. Кўллари дард кўрмасин!

танқид қилади,

ТААЖЖУБ

Яқинда пойтахтга хизмат юзасидан борганимда, шахсий машинада Шайхонтоҳур тумани «Ибн Сино» даҳасида жойлашган автомобилларга ёнилги қуйиш тармоғига бензин олиш ниётида ташир буюрдим.

Бир қарашда ҳамма нарса рисоладагидек. Автомашиналар бирма-бир, навбатма-навбат келиб-кейти туришибди. Мен ҳам навбатга турдим. Узок йўлга (Самарқандга қайтишим керак) кетишим боис машина бакани тўлдириб олмакчи бўлдим.

Бензин тоғалари, нархи, хизмат кўрсатаётган ходимлар исм-шарифи буюнидек ёзиб қўйилган. Бегиланганидек А-72, А-76 тоғали бензин литри 30 сўмдан сотилапти. Аммо 20 литрдан ортиқча берилмапти.

Сотувчиларга меймон эканлигимиз, узок йўл юришимиз учун кўпроқ бензин кераклигини аниқламоқчи бўлдик. Фойдаси бўлмади. «Юқоридан «буйрук» бор, иложимиз йўқ» деб 20 та қўйиб берди.

Бош оператор Суннат Расулов ҳам бу масалада ёрдам бера олмади.

Биз шу «буйрук» билан танишиб чиқишга қизиқдик. С.Расуловнинг айтишича, «буйрук» оғзаки берилган, ҳозирча ёзма равишда қўлга олмаган эмиш. Қизиқ «оғзаки буйрук» шу даражада бекам-куст ижро этилаётган бўлса?!

Зехн солиб қараганимизда айрим машина эгалари бензин олгач, катта йўлга кириб-тўхтаб, бўш идишга бўшатиб, яна қайтиб қўйиб олиб кетишапти. Наҳора, биз ҳам шундай қилишга мажбур бўлдик.

Таажжубки, бундан қандай тушунса бўлади? Бизда бензин етишмайдими? «Буйрук» нега ўз вақтида жойларга юборилмаган, агар бор бўлса? Хали етиб келмаган «буйрук»нинг ижросини таъминлашга сотувчилар бунчалик жиддий киришиб кетганлигининг боиси нимада? Миқозларга бир йўла 30 ёки 40 литр бермасдан, истасанга қайта-қайта олишга мажбур қилишдан нима манфаат бор?

Фазилдин ТОШНИЁЗ УЎЛИ,
Самарқанд вилояти.

хабар қилади,

СОЛИҚЧИЛАРГА ТУҲФА

Мустиқликнинг еттинчи йили термизлик солиқчилар учун қувончи бўлди. Байрам арафасида улар янги, ҳар томонлама қўлайликка эга бўлган кўракми бинида фаолият кўрсата бошлашди.

Термиз шаҳри марказида қад рўстлаган 3 қаватли замонавий бинонинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Уни Термиз шаҳар ҳокими Х.Умаров кириш сўзи билан очиб, мустиқликнинг улкан неъматини бугунги шахарлик солиқчилар юракдан ҳик қилаётганини қайд этиб, уларнинг бундан кейинги ишларига омадлар тилди.

Ингинда сўзга чиққан Сурхондарё вилоят ҳокими Ж.Норалиев давлатимизнинг иқтисодий таянчи солиқлар эканини таъкидлаб, Термиз шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари олдига турган муҳим вазифалар тўғрисида сўз юрғотди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи муовини М.Қуролов, вилоят Давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Н.Ҳафизов қатнашди.

Д.РУСТАМ,
Сурхондарё вилояти.

арз қилади,

ЎЗУ ЎҒРУ, АРЗУ ТЎҒРУ

(Ажиб муаммо)

Мухарририятимизга Фарғона шаҳар Қувасой кўчаси, 82-уйда яшовчи Дилбар Исақовадан шикоят хати келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мен... «Фарғонаёғмай» ҳиссадорлик жамияти рафинация цехида филтрловчи лавозимида ишлаб келганман. Ишлаб юрган давримда завод юристи менга ёғ олиб чиқиб беринг, деб мажбурлади ва шунга асосланиб, ёғни олиб чиқиб берганимда қорувуллар томонидан ушланиб акт (далолатнома) таъзишди. Лекин мен ўзимнинг фойдам учун эмас, балки юристин айтгани бўйича шу ишга қўл урган эдим...»

Шу йил 5 майдан 29 майгача меҳнат таътилига чиқдим. Таътилдан қайтиб ишга чиқсам... Меҳнат Кодексининг 100-моддасига биноан ишдан бўшадингиз, дейишди...»

Муаллиф хатга илова қилган «Фарғонаёғмай» ҳиссадорлик жамиятининг 1998 йил 11 майдан 360-к сонли буйругидан кўчирма:

«Меҳнат таътили бериш ҳақида.

Исақова Дилбар - рафинация цехи ишчисига 14.11.98 дан 14.11.97 гача ишлаган даври учун 21 иш кунининг меҳнат таътили берилсин. 05.05.98 дан 29.05.98 йилгача.

Асос: аризаси, бош-лигининг розилиги. Бошқарув раиси: Р.А. Усмонов.»

«Фарғонаёғмай» ҳиссадорлик жамиятининг 1998 йил 27 майдан 409-к сонли буйругидан кўчирма:

«Ишдан бўшатиш ҳақида.

«Фарғонаёғмай» ҳиссадорлик жамияти ички меҳнат тартиб интизо-

мини кўпол равишда бузиб, майда ўғирлик содир этгани учун, «Фарғонаёғмай» ҳиссадорлик жамияти қасаба уюшмасининг 15 май 1998 йилдаги йиғилишининг 47-сонли баённомасига асосан... Исақова Дилбар - рафинация цехининг филтрловчиси 30.05.98 йил кунидан Ўзбекистон Республикаси М.К.нинг 100-моддаси 4-қисмига мувофиқ ишдан бўшатилинсин.

Асос: қасаба уюшмасининг 15.05.98 йилдаги 47-сонли баённомаси.

Бошқарув раиси: Р.А. Усмонов.»

Қасаба уюшма кўмитасининг Л.Дмитриева раислигида 1998 йил 15 май кунини бўлиб ўтган йиғилишида «Фарғонаёғмай» Х.Ж.нинг тақдимномаси муҳокама қилинган. Унда маъмуриятнинг Д.Исақовани 1

май кунини қорхонадан 3 кг ёғни олиб чиқиб кетишига уринганлиги, яъни майда ўғирлик содир этганлиги туфайли ишдан бўшатишга розилик бериш ҳақидаги сўрови қондирилган.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг таҳлили шунни кўрсатадики, ўғирлик содир этилганлиги фош этилапти, бундан Д.Исақованиннг ўзи ҳам тан олган. Маъмурият эса қасаба уюшманиннг розилигини олиб, айбдорни ишдан бўшатапти.

Бир қарашда ҳаммаси тўғри ҳал этилганга ўхшапти.

Аслида-чи, масаланиннг бошқа томони бор, кўринади. Қизиги шундаки, маъмурият ўз ходимининг қилган кўпол хатоси учун жазоландан аввал меҳнат таътили билан «сийлапти». Боз устига таътил даврида (5 майдан 29 майгача) масала узил-кесил ҳал қилинапти.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 100-моддасининг 6-бандида:

«Ходим вақтинча меҳнат қобилиятсизлиги даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларида бўлган даврида меҳнат шартномасини иш бевуруннинг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмади...» дейилган.

Сўнгги сўзи эса биз тегишли идоралардан кутамиз.



Чирчиқдаги «Бўстон» санаторийси эл оғзига тушган. Бу ерда дам олиш ва даволаниш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: санаторий ҳамшираси Лайло Абдухамидова.
Н.МУҲАМАДЖОНОВ олган сурат.

Ватан туйғуси муқаддас

ОЛТИНДАН-ДА АЗИЗ ТУПРОҚ

Шиддаткор, югурик кунлар шунчалар тез ўтар эканки, одамзот ушбу яшин мисол ўтган давларни сезиб-илғаб қолиши мушкул туолади. Кечагина беғуборлик фаслида дунё ташвишларисиз уйнаб-қулар, боғча опамизнинг ҳар бир ҳаракати-ю хислатига ҳавас ила термулб ўтирар эдик. Бугун-чи?

Бугун мўйлови сабаз урган тенгдошларим қатори йигитлик бурчимни ўтаётган. Ҳарбий либос кийган биринчи кунларимдан мейрибон онамнинг берган ўғитлар ҳаётда бунчалар тўғри акс этётганига имон келтираман. Волидамни эслаганим ҳамон қайсидир шоир битган ушбу сатрлар ҳаёлимга қўйилиб келаверади:

Айтар эди бир маҳал онам
Одил бўлу мард бўл чинакам
Бу икки иш эмасдир осон.

Ахир бу мининг кўнглимда кечаётган ҳис-туйғулар, онам айтган панд-насихатлар-ку. Ёки бу шоир энтининг ўзга инсонлар ҳисму жониди содир бўлаётган жараёнларни сеза олиш қобилиятими? Ёхуд барча оналар ўғлонига шундай насихат қўлиб, оқ фотиҳа берадилми? Билмам... Балки, ушбу ҳаёт ҳақиқатини таърифлашга сўз ожиздир.

Ватан отлиғ юксак туйғуга муқаддас она каломини қўшиб Она Ватан дея атайимиз. Нечун? Бир қарашда бу оддийгина ҳодисадек. Аслида-чи? Аслида мазкур иборанин таг заминиди олам-олам маъно яширин, энг олий тушунчалар муҳасаса.

Она бизни дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарайди, тарбиялайди, воғна етказади. Баъзан оёғимизни сал тирнаган ҳас-чўп онанинг кўзига қадалган билан баробар эканига эътибор ҳам бермаймиз. Аввалгилар айтганидек, «бизнинг кўнглимиз далада».

Ватан... Шу Ватан заминиди илк бор тетапога қадамларимизни қўямиз. Ватаниннг бир қисим тупроғи олтиндан-да, азиялиги шундандир балки. Биз шу замин, шу юрт фарзандизми. Демак, унинг ҳимояси, сарҳадлари дахлсизлиги, тинчлигини-ю оёсийшталлигини сақлаш, Ватанини кўз қорачиғиди асраш ҳар бир ўғлоннинг ҳам қарзи ҳам фарзи.

Айниқса, истиқлолнинг хушбўй насимлари эсиб, ўзининг сархуш хилларини таратаётган, мамлакатимиз кун сайин тараккиётнинг юқори погоналарига кўтарилаётган, дунёга ўз тутаётган бир пайтда Ватан учун қалқон бўлмоқ эр йигит учун қандай бахт! Бу баландпарвоз, тоталитар давридагидек «қизил» гаплар эмас, қалбимизнинг туб-тубидан сизиб чиқаётган айна ҳақиқатдир.

Ички кўннлар сафиди, тартиб-интизом, оёсийшталлик поёбонлар қаторида ўзимнинг камтарин хизматини ўтаётганимни ўйлаган чоғим беҳиётёр фахрланиб кетаман. Кеча эсимда кўча чангитиб юрганим, уст-бошимни кир қилиб онамдан дакки эшитганим. Айни дамда эса ҳақиқий поёбонлар, мард ўғлонлар билан бир сафдаман. Йигитлик бахти ҳам шу эмасми аслида. Шу юрт, шу Ватан фарзандиман деган ҳар бир ўғлонга ана шундай бахт насиб қилсин!

Озод РАЖАБОВ.

Спорт тўққинларида

● 19-21 август кунлари Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» жағмармаси кубоги учун шахар ва қишлоқ жамоаларида волейбол ва баскетбол бўйича Республика якуний финал мусобақалари бўлиб ўтади. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Республика ёшларининг «Қамолот» жағмармаси ташаббуси билан ўтказилаётган беллашуларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг голиб жамоалари иштирок этадилар. Баскетбол мусобақалари Тошкент алоқа коллежи жисмоний тарбия спорт мажмуасида, волейбол эса Тошкент Давлат аграр университети спорт мажмуасида ўтказилади.

● Рустан Қосимжонов, Сергей Загребелиний, Сайдали Йўлдошев, Михаил Салтаев, Дмитрий Қаюмов, Владимир Егинлардан иборат шахматчиларимиз Эронга жўнаб кетишди. Улар у ерда ўтаётган Осие чемпионатида юртимиз шафратини ҳимоя этишмоқда.

● Эртага 8 нафар велоспортчимиз Франция-Италия бўйлаб ўтказилаётган халқаро турнирда иштирок этиш учун Оврупога жўнаб кетишди. Мусобақа натижалари Республикаси мустиқлик байрами кунларида маълум бўлади.

● Тайванда ёш боксчилар ўртасида оқил биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Унда ҳам вакилларимиз иштирок этишапти. Мусобақалар 23 августга қадар давом этади.

● Муай-тайчиларимиз эса жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Тайландга йўл олишди. Чемпионатнинг голиб ва совриндорлари 23 августда аниқланади.

● Эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида вакилларимиздан Мойиз Ибодов (56 кг), Отабек Пардақулов (70), Э.Тожибоев (52), Ш.Абдувалӣев (76)лар 5-уринларни эгаллашди. 33 та мамлакат спортчилари орасида ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 7-уринни банд этишди.

Дониёр ЮСУПОВ,
шарҳловчи.

таклиф қилади.

ИМТИЁЗ...ЛЕКИН ҚУРБИ ОЗ

Шу йил 1 июнь кунини телефонимиз узиб қўйилди. Маълум бўлдики, ҳисоблов машинаси кўрсатуви бўйича 92 сўм миқдориди қарздор эканмиз. Дарров қассага 500 сўм тўлаб, 29-АТСга бориб, тўлов қорғанини кўрсатча, телефонимиз ишлаб бошлади.

12 август кунини соат 11ларда телефонимиз жиринглаб қолди. Алоқа ходими 170 сўм қарз эканлигини айтди, уни тўлаб қўйишимиз лозимлигини айтди. Соат 13.30 да яна телефон қўлиб «менга телефонни узиб қўйиш телефонни оғохлантираяман» деди. Мен унга тўшакдан туролмаслигимни, телефон узилса дунёдан ажралиб қолишимни тушунтирдим. Яхши одам

экан, ҳар қалай 3 кун муҳлат берди. Энди 218 сўм тўлайсиз, деб қолди.

Хайрон бўлдим. Нега? Орадан бор-йўғи 2.5 соат ўтди. Бир-икки жойга кўн-қуноқ қилдим холос. Очиғи, шу «ақли машина»ларга ҳам, ишонқирамай қолдим. Уларнинг ишини ҳам қандайдир назорат қилиш лозимга ўхшайди. Ўтган 7,5 ой мобайнида тўлаган пулимиз бизга берилган имтиёз билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 1671 сўмни ташкил этапти. Хали яна 4,5 ой вақт бор. Ахир бундай тўловлар биз ногиронларнинг имтиёзидан фойдаланаётганимизга қарамай оғир эмасми?

Мен газета орқали шахсий фикрим, ўз таклифимни мутасадди биродарлар

Ж.АБУБАКИРОВ,
1-гурӯх аскарлик ногирони.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН VII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ТАҚВИМИ

16-тур	17-тур	18-тур	19-тур	20-тур	21-тур	22-тур	23-тур	24-тур	25-тур	26-тур	27-тур	28-тур	29-тур	30-тур
14 август. Жума	19 август. Чоршанба	27 август. Пайшанба	5 сентябр. Шанба	10 сентябр. Пайшанба	17 сентябр. Шанба	24 сентябр. Пайшанба	1 сентябр. Шанба	7 сентябр. Шанба	14 сентябр. Чоршанба	21 сентябр. Пайшанба	28 сентябр. Душанба	4 октябр. Яқшанба	11 октябр. Пайшанба	18 октябр. Яқшанба
«Косонсой» - «Насад»	«Трактор» - «Зарафшон»	«Косонсой» - «Насад»	«Навбахор» - «Дўстлик»	«Трактор» - «Зарафшон»	«Насад» - «Навбахор»	«Дўстлик» - «Металлург»	«Косонсой» - «Зарафшон»	«Навбахор» - «Дўстлик»	«Трактор» - «Зарафшон»	«Навбахор» - «Дўстлик»	«Бухоро» - «Хоразм»	«Сўғдиёна» - «Андижон»	«Косонсой» - «Зарафшон»	«Хоразм» - «Хоразм»
«Насад» - «МХСК»	«Зарафшон» - «Металлург»	«Насад» - «Навбахор»	«Дўстлик» - «Нефтчи»	«Металлург» - «Зарафшон»	«Насад» - «Навбахор»	«Дўстлик» - «Металлург»	«Косонсой» - «Зарафшон»	«Навбахор» - «Дўстлик»	«Трактор» - «Зарафшон»	«Навбахор» - «Дўстлик»	«Бухоро» - «Хоразм»	«Сўғдиёна» - «Андижон»	«Косонсой» - «Зарафшон»	«Хоразм» - «Хоразм»

Бош муҳаррир вакифасини базарувчи:
Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси: 56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари: 56-52-89
Маълум қотиб: 56-52-78

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТ-56-82-79
Ахборот ва спорт: 56-87-63. Маълумнинг ва маълунинг: 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш: 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ: 56-85-66.

ВИЛОЯТ МУҲАРИРАЛИ:
Жиззахда: 3-83-91. Ҳатлар: 6-24-10.
Самарқандда: 35-64-24. Фарғонада: 24-58-43.
Урганчда: 6-03-40. Қаршида: 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чопи бошланади.
Сотувда эркин нархда.
Манзил: МХСК 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Права Востока») кўчаси, 24-й.
Нашр қурсаткичи: 133; 134.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва санитрланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёти - матбаа концерни босмаохонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-й.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишди 21.00